



Кимнинг ҳавои нафси мен олиб келган нарсага эргашмагунча иймонли бўлмайди

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимнинг ҳавои нафси мен олиб келган нарсага эргашмагунча иймонли бўлмайди».

[Имом Нававий: «Саҳиҳ ҳадис», деган] [«Ал-Ҳужжа» китобида саҳиҳ санад билан ривоят қилдик]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилдиларки, банда Аллоҳ ҳузурида тўлиқ иймон соҳиблари қаторида бўлиши учун унинг муҳаббати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган барча амру наҳийларга тобе бўлиши лозим. Яъни, У зот буюрган нарсани яхши кўриши, қайтарган нарсадан эса нафратланиши лозим.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66535>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

